

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

393 **Биринчи гуруҳ моддий бойликларини масъул сақловчи ташкилотларда ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳисобни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
22 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2481*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 113-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 10-сон, 118-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси тўғрисида низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилди:**

1. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини масъул сақловчи ташкилотларда ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳисобни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ҳамда у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Ж. КАДИРОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 июнь,
1-сон.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат
захираларини бошқариш қўмитасининг
2013 йил 25 июндаги 1-сон қарорига
ИЛОВА

**Биринчи гуруҳ моддий бойликларини масъул сақловчи
ташкilotларда ҳисобга олиш ва ҳужжатларни
расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома биринчи гуруҳ моддий бойликларини масъул сақловчи ташкilotларда ҳисобга олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади) тизимидаги ташкilotлар ва Қўмита билан шартнома асосида биринчи гуруҳ моддий бойликларини масъул сақловчи ташкilotлар учун мажбурийдир.

**II боб. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини
ҳисобга олиш ва расмийлаштириш**

**1-§. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қабул қилиб
олиш ва расмийлаштириш**

3. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини етказиб бериш ва қабул қилиб олишда Қўмита, етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи) ва масъул сақловчи ташкilot ўртасида тузилган шартнома асос бўлиб ҳисобланади.

4. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олишда масъул сақловчи ташкilotнинг моддий жавобгар шахслари ва сифат бўйича мутахассислари, шунингдек моддий бойликларни етказиб берувчи ва транспорт ташкilotларининг вакиллари иштирок этадилар.

5. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини белгиланган тартибда сақлаш, қабул қилиб олиш, ҳисобини юритиш, маҳсулот ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва моддий бойликларнинг миқдори ва сифати жиҳатидан сақланишини таъминлаш учун Қўмита тизимидаги ташкilotлар ва масъул сақловчи ташкilotларда моддий жавобгар шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилади.

6. Биринчи гуруҳга сақлаш учун келтирилган моддий бойликлар шартномада кўзда тутилган илова ҳужжатларига, юкни жўнатиш, транспортда ташиш ва алоҳида турдаги маҳсулотларни қабул қилиш бўйича барча ҳужжатларга эга бўлиши лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 октябрдаги 232-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 43-сон, 436-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Темир йўл уставининг 146-бандига кўра, темир йўл орқали ташишда темир йўл, юк жўнатувчилар, юк олувчиларнинг моддий жавобгарлиги юзага келишига асос бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар тижорат далолатномалари ёки темир йўл станциялари томонидан тузиладиган умумий шаклдаги далолатномалар билан тасдиқланади.

Вагонларга, қўйилган пломбаларга, идишларга шикаст етган ва бузилган ҳолатларда ёки маҳсулотнинг номи, оғирлиги ёхуд транспорт ҳужжатларида кўрсатилган ўринларда номувофиқликлар аниқланганда, юкни қабул қилувчи ташкилот вакиллари транспорт ташкилотидан тегишли далолатномани тақдим этишни (тузишни), моддий бойликларни автомобиль транспортида етказиб беришда эса товар-транспорт юк хатига белги қўйишни ва тегишли далолатнома тузишни талаб қилишлари лозим.

8. Спирт темир йўл ёки автомобиль цистерналари воситасида ташишганда мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ Цистернада ташишда спирт сақланишининг ҳисоби (Z-1-сон шакл) тўлдирилади ва қабул қилиш-топшириш ишлари амалга оширилади.

9. Транспорт ташкилоти асоссиз равишда тижорат далолатномасини тузишдан бош тортса ёки юк ташиш қоидаларини бузса, юкни қабул қилиб олувчи ташкилот ушбу ҳолат юзасидан тегишли ташкилотга шикоят билан мурожаат қилади ва белгиланган тартибда моддий бойликларни вақтинчалик сақлашга қабул қилиб олади.

10. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қабул қилишда, ҳақиқатда қабул қилинаётган моддий бойликлар билан транспорт ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар, жумладан товар-транспорт юк хатлари, божхона юк декларациялари, моддий бойликларни етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи)-нинг ҳисоб-фактуралари, спецификациялари, ўлчов ва қадоқлаш ёрликлари солиштирилади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан бирининг йўқлиги моддий бойликларни қабул қилиб олиш жараёнини тўхтамайди. Қабул қилиш далолатномасига ҳужжатнинг йўқлиги тўғрисида белги қўйилади. Бир вақтнинг ўзида етмаган ҳужжатларнинг ўрнини тўлдириш учун чора кўрилади.

11. Келиб тушадиган моддий бойликлар миқдори илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилган ўлчов бирликларида, қуйидаги тартибда аниқланади: тортиладиган, идишсиз ташиладиган юклар — тарозида тортиб кўриш йўли билан, агар темир йўл юк хатида юкнинг оғирлигидан ташқари ўринлар сони ҳам кўрсатилган бўлса, ўринлар сонини санаш орқали;

идишли юклар — ўринлар сонини санаш ва нетто оғирлиги бўйича (ёрликларга кўра) ёки стандарт оғирлигига кўра (идишга шикаст етган ҳолларда унинг оғирлигини тарозида тортиш йўли билан);

ностандарт оғирликка эга бўлган бузилмаган идишдаги кальцийланган сода бўйича — ўринлар сони ва оғирлигига кўра;

қоғозлар — ўринлар сонини санаш, ўлчаш, шунингдек етказиб берув-

чининг спецификацияси бўйича ўрамдаги маълумотларни қўшимча солиштириш йўли билан;

цистернадаги ўсимлик ёғи — вагон тарозиларида тортиб кўриш йўли билан;

спирт — метршток ёрдамида спирт сатҳини ўлчашдан сўнг (спирт ҳарорати ва қувватини аниқлаш орқали) мерниклардан ўтказиш йўли билан;

қора металл прокатлари — вагон тарозиларида тортиб кўриш ёки назарий оғирлиги ва ўринларини қайта санаш йўли билан, қора металл прокатлари турига кўра юк ўринларида кўрсатилган оғирлиги орқали;

стандарт тагликлар (транспорт пакетлари)да темир йўл ёки автомобиль транспорти орқали келтирилган ва қадоқлари бузилмаган юклар, шунингдек бир хил яроқлилик муддатига эга бўлган, бир турдаги, бир хил ассортимент ва навдаги, айни шакл ва ўлчамдаги идишда ва айни ёрликқа эга бўлган юклар — пакетларни ва ўринларни қайта санаш йўли билан;

қадоғи бузилган, идишлари шикастланган ва тагликлари ҳамда пакетлари бузилган юклар — ўринларни тўлиқ қайта санаш орқали, бунда банклар, қутилар ва бўлақларнинг миқдорини тўлиқ санокдан ўтказиш йўли орқали.

12. Юкнинг жўнатилган станциядаги оғирлиги (ҳажми) билан қабул қилиб олинган станциядаги оғирлиги (ҳажми) ўртасидаги фарқ қуйидагилардан ошиб кетмаса, юкни қабул қилиб олишдаги оғирлик (ҳажми) транспорт ҳужжатларига мувофиқ деб ҳисобланади:

оғирлиги бўйича камомад аниқланганда — табиий йўқотиш нормалари ва тарози кўрсаткичларидаги тафовутлар меъёри ёки мазкур юкни ўлчашдаги аниқлик меъёридан;

оғирлиги бўйича ортиқча чиққанда — тарози кўрсаткичларидаги тафовутлар меъёри ёки мазкур юкни ўлчашдаги аниқлик меъёридан.

13. Юкни маҳсулот ёки вагон тарозиларида ўлчашда тарози кўрсаткичларидаги тафовутлар меъёри ва тортиш аниқлик меъёри ($\pm 0,1$ фоиз) юкнинг брутто оғирлигига кўра ҳисобланади. Тарози кўрсаткичлари бўйича аниқланган тафовутлар юкни ташишда юзага келган табиий йўқотишларни ўз ичига олмайди.

Юкни қабул қилиб олиш станциясида тортилган юкнинг оғирлиги бўйича камомад аниқланса, ушбу юкни ташишда юзага келган табиий йўқотиш нормалари бўйича оғирлик кўрсаткичлари ҳисобланади ва аниқланган камомаддан айириб ташланади. Агар табиий йўқотиш нормалари бўйича оғирлик кўрсаткичлари айрилгандан сўнг ҳам камомад бўлса, бу ҳолатда оғирлик кўрсаткичларидаги фарқ сифатида қаралади ва қабул қилиш далолатномасида кўрсатиб ўтилади.

14. Моддий бойликларнинг оғирлиги бўйича фарқлар тарози кўрсаткичларидаги тафовутлар меъёри (ўлчаш аниқлиги меъёри) ва табиий йўқотиш нормаларидан ошмаса ёки камомад аломатлари аниқланмаса, шунингдек моддий бойликларнинг оғирлиги бўйича ортиқча оғирлик аниқланмаса юк хатининг орқа томонидаги тегишли бандга қуйидаги тарзда ёзиб қўйилади:

«20__ й. «__» _____ куни юк оғирлиги текширилганда __ кг. эканлиги аниқланди» (сон билан ва ёзма тарзда).

Кўрсатилган изох етказиб берувчининг масъул вакили имзоси билан тасдиқланади.

15. Агар юк учун табиий йўқотиш нормаси ўрнатилмаган бўлса, лекин юкни етказиб беришда (юкни топширишда) юк оғирлигида тарози кўрсаткичларидаги тафовутлар меъёрида (ўлчаш аниқлиги меъёрида) фарқ (ўзгариш) аниқланадиган бўлса, бундай тафовутга (камомад, ортиқчаликка) тарози кўрсаткичларидаги тафовут сифатида қаралади ва юк олувчи ташкилот юкни юк хатида кўрсатилган оғирлиги бўйича қабул қилиб олади. Агар камомад тарози кўрсаткичлари тафовути меъёридан ортиқ бўлса, камомад ҳеч қайси меъёрларни айирмаган ҳолда белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим.

16. Табиий йўқотиш нормалари ва тарози кўрсаткичларидаги тафовут меъёрлари ёки юк ўлчаш аниқлиги меъёрларидан ошмайдиган оғирлик тафовути (камомади) юборувчи харажатлари ҳисобига ёзилади. Оғирлик фарқидаги тафовутлар ҳисоб-китоби намуналари мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasида батафсил келтирилган.

17. Юкни қабул қилувчи ташкилот тижорат далолатномасига асосан етишмаган ёки шикастланган моддий бойликлар ёки идишларни тиклаб бериш бўйича транспорт ташкилоти ёки етказиб берувчига (юк жўнатувчи) талабнома билдиришга ҳақли.

18. Бузилмаган пломба ва контейнерлар бўйича юкни қабул қилувчи ташкилот темир йўлдан, контейнерларда юкларни ташиш талабларига мувофиқ, юк хатига белги қўйишни талаб қилиши шарт.

Бундай ҳолларда, моддий бойликларнинг ўринлари сонини аниқлашда, контейнерни очиш ва юкни тушириш вақтида манфаатдор бўлмаган ташкилот вакили ёки юк жўнатувчи вакили иштирокида далолатнома тузилади ва имзоланади.

Очилган контейнер ёки бузилган пломба бўйича маълумот далолатномада кўрсатилиши шарт. Далолатномага пломба ва темир йўл юк хатининг асл нусхаси илова қилинади.

Далолатномада контейнерни очиш — юкни тушириш санаси ва жойи (темир йўл станцияси ёки ташкилот омборхонаси) кўрсатилади.

19. Ташкилотга келиб тушган моддий бойликлар мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasига мувофиқ Келиб тушган ва юкланган вагон ва контейнерларни ҳисобга олиш журналида (Z-2-сон шакл) қайд этилади.

Келиб тушган ва юкланган вагон ва контейнерларни ҳисобга олиш журнали (Z-2-сон шакл) юк қабул қилувчи ташкилотнинг юклаш-юк тушириш ишлари бўйича масъул бўлими раҳбари (ўринбосари) томонидан юритилади. Журнал ҳисобот даври учун юритилиб, қайдлар бошлангунга қадар рақамланган, тикилган, имзоланган, муҳрланган ва рўйхатга олинган бўлиши лозим.

Келиб тушган ва юкланган вагон ва контейнерларни ҳисобга олиш журналидаги қайдлар ташкилотнинг бош ҳисобчиси томонидан назорат қилиниши ва вагонларни кириш ва чиқиш қайдномалари маълумотлари билан солиштирилиб борилиши лозим.

20. Биринчи гуруҳга моддий бойликларни қабул қилиш далолатномаси асосида қабул қилинадиган моддий бойликлар учун юк қабул қилувчи ташкилот томонидан Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1245, 2003 йил 27 май) (Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон) мувофиқ ишончнома расмийлаштирилади.

21. Моддий бойликларни тарозида тортиш ва ўринларини санаш натижалари бўйича мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ Ўлчаш қайдномаси (Z-3-сон шакл) тўлдирилади. Ўлчаш қайдномаси (Z-3-сон шакл) масъул сақловчи ташкилотнинг сақлаш участкаси бошлиғи томонидан ташкилотнинг моддий-жавобгар шахси ва юк жўнатувчи ташкилотнинг вакили иштирокида 2 нусхада тўлдирилади (назорат қилиш мақсадида иш дафтарига ҳам тегишли қайдлар киритилиши мумкин).

Ўлчаш қайдномаси (Z-3-сон шакл) қабул қилиш далолатномасини тузиш учун асос бўлади ва унга илова қилинади (иккинчи нусхаси талабномаларни расмийлаштириш учун ишлатилади). Ўлчаш қайдномалари моддий бойликни топширувчи ва қабул қилиб олувчи ташкилотнинг масъул шахслари томонидан имзоланади. Махсулотларни тортишда ва ўлчашда ишлатиладиган ўлчов воситалари, жумладан тарозилар, кондукторлар, штирли асбоблар, аравалар ва бошқа тегишли воситалар белгиланган муддатларда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган номенклатура рўйхатига мувофиқ метрология текширувидан ўтказилиши шарт.

22. Биринчи гуруҳга моддий бойликларни қабул қилишда мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қабул қилиш далолатномаси (Z-4-сон шакл) расмийлаштирилади. Қабул қилиш далолатномасида моддий бойликлар омборхона, бўлинма, музлатиш хонаси ва сифимли идишларга қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ акс эттирилади. Қабул қилиш далолатномасини тузишда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

шартномада кўзда тутилган илова ҳужжатлари, юкни жўнатиш, транспортда ташиш ва алоҳида турдаги махсулотларни қабул қилиш бўйича ҳужжатлар;

юкни қабул қилиб олувчи ташкилотнинг лаборатория ходимлари (муҳандис-технологлар) ёки ветеринар врачининг келиб тушган моддий бойликлар сифати тўғрисидаги хулосаси.

23. Келиб тушган моддий бойликларнинг миқдори тарозиларда тортиш орқали аниқланади ва мазкур Йўриқноманинг 21-бандига мувофиқ расмийлаштирилади.

24. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қабул қилиш далолатномаси (Z-4-сон шакл) уч нусхада тузилади ва етказиб берувчи ташкилот вакили, қабул қилиб олаётган ташкилотнинг моддий жавобгар шахслари, бош ҳисобчиси томонидан имзоланади ҳамда ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Қабул қилиш далолатномасининг бир нусхаси етказиб берувчи (юк

жўнатувчи) ташкилот вакилига топширилади, бир нусхаси юк қабул қилувчи ташкилотда сақланади, бир нусхаси уч кунлик муддат ичида Қўмиотага юборилади.

25. Бир сутка мобайнида туширилган, бир юк жўнатувчи томонидан жўнатилган ва бир қабул қилувчи манзилига юборилган бир турдаги, битта етказиб бериш шартномасида кўзда тутилган хажм доирасидаги юкни қабул қилишда ҳар бир вагон, контейнер, автотранспорт ва бошқалар тўғрисидаги тегишли маълумотларни алоҳида кўрсатган ҳолда битта қабул қилиш далолатномаси тузилади.

26. Масъул сақловчи ташкилотлар томонидан моддий бойликлар янги-ланганда, мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ Моддий бойликларни янгилаш тўғрисидаги далолатнома (Z-5-сон шакл) тузилади. Ушбу далолатномада моддий бойликларнинг омборхона, бўлинма, музлатиш хонаси ва сифимли идишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ акс эттирилади.

27. Спиртни қабул қилиш ва бериб юборишда мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига мувофиқ Спиртни юклаб жўнатиш ва қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома (Z-6-сон шакл) ва мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига мувофиқ юк хати (Z-7-сон шакл) расмийлаштирилади.

28. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қабул қилиш далолатномасида (Z-4-сон шакл) идиш ва қадоклардаги барча моддий бойликлар бўйича, шунингдек идишсиз юкларнинг баъзи турлари — металл қўймаларининг алоҳида турлари, бутун тана, нимтана ва чорак тана гўштлар ва бошқалар оғирлиги билан бир қаторда, ўринлар сони ҳам кўрсатилади.

Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қабул қилиш далолатномасининг (Z-4-сон шакл) орқа томонида моддий бойликларнинг сифати, идишнинг ҳақиқий ҳолати ва унинг стандартларга мувофиқлиги бўйича хулоса берилади.

29. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қабул қилиш далолатномасига (Z-4-сон шакл) ушбу далолатнома билан расмийлаштирилган моддий бойликларга тегишли барча ҳужжатлар илова қилинади.

30. Ишлаб чиқарувчи ташкилот моддий бойликларни биринчи гуруҳга масъул сақлашга бевосита қабул қилганда, моддий бойликларнинг қиймати ташкилотнинг балансдан ташқари ҳисобида кўрсатилади. Маҳсулотларни асосий ишлаб чиқаришдан масъул сақлашга ўтказишда моддий бойликларни қабул қилишга ишончнома расмийлаштирилмайди. Бунда ишлаб чиқарувчи томонидан бериладиган ҳисоб-фактуранинг «Ишончнома асосида қабул қилинган» сатрига «20__ йил «__» _____ даги __-сон шартнома бўйича ҳисобга олинди» деган ёзув киритилади.

2-§. Биринчи гуруҳ моддий бойликлари бўйича аниқланган камчиликлар ва уларни алмаштирилишини ҳужжатларда расмийлаштириш

31. Ташкилотга келиб тушган ва шартнома талабларига жавоб бермайдиган моддий бойликлар яроксизга чиқарилади ва мазкур Йўриқноманинг

9-иловасига мувофиқ Моддий бойликларни қабул қилишда аниқланган миқдорий ва сифат тафовути тўғрисидаги далолатнома (Z-8-сон шакл) тузилади.

Далолатнома уч нусхада тузилиб, унинг биринчи нусхаси етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи) ташкилотга, иккинчи нусхаси Қўмига юборилади, учинчи нусхаси ташкилотнинг бухгалтериясига тақдим этилади.

32. Моддий бойликларни қабул қилувчи ташкилот уларнинг ҳар қандай яроқсизлиги тўғрисида бир сутка ичида етказиб берувчи ташкилотга ва Қўмига ёзма равишда хабар бериши лозим.

33. Сифат тахлили бўйича юк олувчи ташкилотга келиб тушган гўшт, сут маҳсулотлари партияси биринчи гуруҳга қабул қилиш учун яроқсиз деб топилган тақдирда, яъни уларнинг миқдори ва сифати бўйича аниқланган камчиликлар оқибатида бутун партияни қайта навга ажратиш талаб қилинган ҳолларда (алоҳида жойларни моғор босганлиги, идишдаги маркировканинг, гўштдаги тамғанинг етказиб берувчи ташкилотнинг сифат ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ эмаслиги, сарёғ монолити оғирлигининг номувофиқлиги, сифат ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ва ҳоказолар) мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ Музлатиш хонасида моддий бойликни қабул қилишда аниқланган миқдорий ва сифат тафовути тўғрисидаги далолатнома (Z-9-сон шакл) тузилади.

Музлатиш хонасида моддий бойликни қабул қилишда аниқланган миқдорий ва сифат тафовути тўғрисидаги далолатнома (Z-9-сон шакл) уч нусхада тузилиб, биринчи нусхаси етказиб берувчига (ишлаб чиқарувчига), иккинчи нусхаси Қўмига юборилади, учинчи нусхаси эса Моддий бойликни қабул қилишда аниқланган миқдорий ва сифат тафовути тўғрисидаги далолатномага (Z-8-сон шакл) илова қилинади ва юкни қабул қилувчи ташкилот бухгалтериясида сақланади.

Моддий бойликни қабул қилишда аниқланган миқдорий ва сифат тафовути тўғрисидаги далолатноманинг (Z-8-сон шакл) ва Музлатиш хонасида моддий бойликларни қабул қилишда аниқланган миқдорий ва сифат тафовути тўғрисидаги далолатноманинг (Z-9-сон шакл) барча бандлари тўлдирилиши керак. Z-8-сон шаклнинг «Сифат ва бошқа дефектларининг изоҳи» ва Z-9-сон шаклнинг «сифат ва бошқа камчиликлар (дефект)нинг батафсил изоҳи» қисмида келиб тушган моддий бойликларнинг қайси турларга (100 фоиз ёки қисман) тақсимланиши, уларнинг вақтинча сақлаш учун қабул қилинганлиги кўрсатилиши керак.

34. Биринчи гуруҳга қабул қилишга яроқли деб топилган моддий бойликлар Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қабул қилиш далолатномаси (Z-4-сон шакл) билан расмийлаштирилади ҳамда унинг асосида омборхона ва бухгалтерия ҳисобига кирим қилинади.

Моддий бойликларнинг идишлари таъмирланиши, алмаштирилиши зарур бўлган ҳолларда, уларнинг вақтинча сақлашга қабул қилинганлиги тўғрисида Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қабул қилиш далолатномасига (Z-4-сон шакл) тегишли қайд киритилади.

35. Юкни қабул қилувчи ташкилот Моддий бойликни қабул қилишда аниқланган миқдорий ва сифат тафовути тўғрисидаги далолатномага

(Z-8-сон шакл) асосан камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан тўлиқ копланиши бўйича зарур чораларни кўради.

36. Биринчи гуруҳга қабул қилишга яроқсиз деб топилган моддий бойликлар вақтинча сақлаш учун қабул қилинган моддий бойлик сифатида етказиб берувчи баҳосида ташкилотнинг баланسدан ташқари ҳисобида ҳисобга олинади ва алоҳида сақланади.

Яроқсиз деб топилган ўсимлик ёғи ва этил спиртини вақтинча сақлашга қабул қилиш қатъиян ман этилади.

37. Вақтинча сақлашга қабул қилинган моддий бойликларни сақлаш бўйича жавобгарлик Моддий бойликни қабул қилишда аниқланган миқдорий ва сифат тафовути тўғрисидаги далолатномани (Z-8-сон шакл) имзолаган шахслар зиммасида бўлади. Яроқсиз деб топилган моддий бойликлар тўғрисида Қўмитага ёзма хабар берилади.

38. Етказиб берувчи ташкилот яроқсиз деб топилган моддий бойликлар бўйича тузилган далолатномани олгандан сўнг яроқсиз деб топилган моддий бойликларни шартномага мувофиқ олиб чиқиб кетади ва уларнинг ўрнига узоқ муддат сақлашга яроқли моддий бойликлар етказиб беради.

39. Ташкилотга кўчириш тартибида келиб тушган ва узоқ муддат сақлаш учун яроқсиз деб топилган моддий бойликлар вақтинча сақлашга Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қабул қилиш далолатномасини (Z-4-сон шакл) расмийлаштириш орқали қабул қилинади ва алоҳида омборга жойлаштирилади. Ушбу моддий бойликлар етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи) ташкилот томонидан шартномага мувофиқ сифатли ва яроқлиси билан алмаштирилади.

40. Ташкилотга сифатни тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган моддий бойликлар келиб тушганда улар вақтинча сақлашга (алоҳида сақлаш имконияти бўлган тақдирда) қабул қилинади.

Ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) ташкилотдан моддий бойликлар сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар олингандан сўнг улар мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда биринчи гуруҳга қабул қилинади ёки яроқсизга чиқарилади.

41. Агар биринчи гуруҳ моддий бойликларни сақлаш жараёнида ишлаб чиқаришга оид яширин нуқсонлар аниқланса, масъул сақловчи ташкилот томонидан яроқсизга чиқариш далолатномаси тузилади ва бу ҳақда етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи) ташкилотга ва Қўмитага хабар қилинади.

3-§. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини сақлаш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш

42. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини масъул сақлаш Қўмита билан масъул сақловчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномалар асосида мазкур Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

43. Штабелларни тахлаш ва омборларни тўлдиришда моддий бойликлар

ва улар ҳаракати юзасидан қўшимча назоратни таъминлаш учун куйидаги штабел ёрлиқлари тузилади:

саноат маҳсулотлари учун мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига мувофиқ (Z-10-сон шакл);

озик-овқат маҳсулотлари учун (резервуарларга қуйиладиган спирт ва ўсимлик ёғидан ташқари) мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига мувофиқ (Z-11-сон шакл).

Штабел ёрлиқлари моддий-жавобгар шахслар томонидан ишлар амалга оширилган кунда Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қабул қилиш далолатномаси (Z-4-сон шакл), мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига мувофиқ Юк хати (Z-12-сон шакл), шунингдек қабул қилинган ва бериб юборилган моддий бойликлар миқдори тўғрисидаги ҳужжатлар асосида тўлдирилади. Моддий жавобгар шахслар томонидан ойига бир марта омборхона китоби маълумотлари билан штабел ёрлиқларидаги маълумотлар ўзаро солиштирилиши лозим. Ўзаро солиштириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

Штабел ёрлиқларига (маҳсулотнинг ҳар бир партиясига) моддий бойликларининг амалдаги жойлашув чизмаси қўшиб қўйилади.

44. Z-10-сон ва Z-11-сон штабел ёрлиқлари сақлаш жойларида бўлади, штабел тугатилганидан сўнг китоб шаклида тикилиб, бухгалтерияга топширилади ҳамда алоҳида ва махфий сақланади.

45. Мазкур Йўриқноманинг 14-иловасига мувофиқ Биринчи гуруҳ моддий бойликларини бухгалтерия ҳисобига олиш китоби (Z-13-сон шакл) юригилади.

46. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қайта ишлаш (қайтадан тахлаш, саралаш, турларга ажратиш, қайта жойлаш ва бошқалар) мазкур Йўриқноманинг 15-иловасига мувофиқ Биринчи гуруҳ моддий бойликларни қайта ишлашга наряд (Z-14-сон шакл) асосида амалга оширилади.

Моддий бойликларни қайта ишлашга наряд лаборатория бошлиғи томонидан сақлаш участкаси бошлиғи номига икки нусхада ёзилади. Ушбу нарядда моддий бойликларни қайси омборхонада, бўлинмада, музлатиш хонасида қайта ишлаш кераклиги кўрсатилади.

Қайта ишлашга наряд ташкилот раҳбари томонидан имзоланади. Наряднинг биринчи нусхаси сақлаш участкаси бошлиғига ижро учун берилади, иккинчи нусхасига нарядни олганлиги тўғрисида имзо қўяди. Наряднинг иккинчи нусхаси қайта ишлашнинг ўз вақтида тугатилиши ва ижро этилган нарядни расмийлаштиришни назорат қилиш учун лабораторияда (лаборатория йўқ бўлган шароитда қайта ишлашга топшириш нарядини ёзган шахсда) қолдирилади.

Моддий бойликларга ишлов бериш тугатилиши билан наряднинг «Наряднинг бажарилди» қисми сақлаш участкаси бошлиғи ва лаборатория мудири томонидан тўлдирилади ҳамда наряд улар томонидан имзоланади.

Кўрсатилган тартибда расмийлаштирилган наряд бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиниши учун ташкилот бухгалтериясига топширилади.

Моддий бойликларга ишлов бериш натижалари икки кун муддат ичида

ташкilot раҳбари томонидан кўриб чиқилади, штабел ёрлиқлари ва омборхона ҳисоби китобига тегишли қайдлар киритилади.

47. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини масъул сақловчи бир ташкilotдан бошқа ташкilotга кўчириш учун Қўмита томонидан мазкур Йўриқноманинг 16-иловасига мувофиқ Наряд (Z-15-сон шакл) расмийлаштирилади.

Кўчириш учун наряд тўрт нусхада тузилиб, унинг уч нусхаси юк жўнатувчи ташкilotга жўнатилади, бир нусхаси қабул қилувчи ташкilotга берилади. Моддий бойликлар кўчирилгандан сўнг юк жўнатувчи наряднинг орқа томонини (нарядни бажарилиши юзасидан далолатнома) тўлдиради ва икки нусхасини Қўмитага юборади, бир нусхасини ўзида сақлаш учун тикиб қўяди.

48. Олинган наряд (Z-15-сон шакл) асосида юкни қабул қилиб олувчи ташкilot Биринчи гуруҳ моддий бойликларини қабул қилиш далолатномасини (Z-4-сон шакл) ва мазкур Йўриқноманинг 17-иловасига мувофиқ Қабул қилиш далолатномасини (сақлаш мажбурияти)ни (Z-16-сон шакл) тўлдиради.

49. Биринчи гуруҳга тегишли бўлган моддий бойликларни бир масъул сақловчи ташкilot ичидан бир сақлаш участкасидан бошқасига кўчиришда моддий бойликлар қайта ўлчаниши (саналиши) лозим.

50. Миқдори ва сифати бўйича ҳисоби юритилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари кўчирилганда ташкilot лабораторияси мазкур маҳсулотларнинг тегишли таҳлилини амалга оширади.

4-§. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини бериб юбориш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш

51. Қўмита тизимидаги ташкilotлар ва масъул сақловчи ташкilotлар томонидан биринчи гуруҳ моддий бойликларини бериб юбориш учун Қўмита томонидан мазкур Йўриқноманинг 18-иловасига мувофиқ наряд (Z-17-сон шакл) берилади. Ушбу наряд Қўмитанинг раҳбари, биринчи гуруҳ моддий бойликлари билан ишлаш бўлими бошлиғи ва бош ҳисобчиси ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади. Мазкур шахслардан бирортасининг имзоси бўлмаса, наряд ҳақиқий ҳисобланмайди ва моддий жавобгар шахслар томонидан ижрога қабул қилинмайди.

Қўмита нарядининг амал қилиш муддати нарядда белгиланади.

52. Қўмитанинг наряди уч нусхада тузилади, биринчи нусхаси масъул сақловчи ташкilot (юк жўнатувчи)га юборилади, иккинчи нусхаси Қўмита бухгалтериясига, учинчи нусхаси эса Қўмитанинг тегишли бошқармасига берилади.

53. Нарядда (Z-17-сон шакл) кўрсатилган муддат тугагандан кейин унинг бажарилмаган қисми бўйича моддий бойликларни сақлаб туриш шартномага мувофиқ моддий бойликларни қабул қилиб олувчи ташкilot ҳисобидан амалга оширилади.

Моддий бойликларни олиб кетиш наряд (Z-17-сон шакл) муддати тугагунга қадар бажарилмаган ёки қисман бажарилган бўлса, моддий бойлик-

ларни қабул қилувчи ташкилотнинг Қўмита ва масъул сақловчи ташкилот олдидаги шартнома мажбуриятларини бажариши шарти билан Қўмита томонидан наряд муддати узайтирилиши ёки янги наряд берилиши мумкин.

54. Масъул сақловчи ташкилотга (юк жўнатувчига) Қўмита томонидан берилган наряд (Z-17-сон шакл) Қўмитанинг оператив ва бухгалтерия ҳисобини юритувчи бўлинмаларида биринчи гуруҳ моддий бойликларни ҳисобдан чиқаришга асос бўлади.

Қўмита тизимидаги ташкилотларда ва масъул сақловчи ташкилотларда моддий бойликларни бухгалтерия ҳисобидан чиқариш ҳақиқатда бериб юборилган моддий бойликлар учун расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

55. Наряднинг амал қилиш муддати мобайнида сақлаш ва табиий йўқотишлар билан боғлиқ барча харажатлар масъул сақловчи ташкилот ҳисобидан (мол гўшти бундан мустасно), мол гўштини сақлаш ва табиий йўқотишлар билан боғлиқ барча харажатлар Қўмита ҳисобидан амалга оширилади.

56. Нарядининг (Z-17-сон шакл) ижроси устидан назорат Қўмитанинг маҳсулотни бериб юборишни расмийлаштирган бўлинмаси, ресурслар мавжудлигини назорат қилувчи бўлинмаси ва бухгалтерияси, шунингдек ушбу нарядни ижрога қабул қилган ташкилот раҳбари, бухгалтерияси ва моддий жавобгар шахслари зиммасига юклатилади.

57. Масъул сақловчи ташкилот (юк жўнатувчи) моддий бойликларни бериб юбориш бўйича нарядларнинг амалда бажарилиши тўғрисида ҳар ойнинг 5-кунигача ойлик маълумотни, ҳақиқатда жўнатилган маҳсулот учун расмийлаштирилган юк хатининг нусхасини маҳсулот бериб юборилган куннинг кейинги кунидан кечиктирмасдан (электрон, факс ва бошқа тартибда) Қўмитага юборади, унинг асосида Қўмитанинг биринчи гуруҳ моддий бойликлари билан ишлаш бўлинмаси ва бухгалтерияси томонидан ҳисоб маълумотлари ва наряднинг амалда бажарилиши бўйича маълумотлар тўғрилаб борилади.

58. Қўмита нарядини ижрога қабул қилган ташкилотлар раҳбарлари, бош ҳисобчилари ва моддий жавобгар шахслари унинг ижроси ва тақдим этилган маълумотнинг тўғрилиги бўйича шахсан жавобгардир. Моддий бойликлар бериб юборилгандан (юклагандан) сўнг, моддий бойликлар штабелдан тўғри бериб юборилганлигини текшириш орқали жойлашиш чизмасига аниқлик киритилади, штабел ёрлиғига тегишли белги қўйилади.

59. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини бериб юбориш наряди билан бир вақтда Қўмита бухгалтерияси томонидан икки нусхада ҳисоб-фактура тўлдирилади.

Ҳисоб-фактуранинг бир нусхаси Қўмитанинг ҳисоб-фактураси ва нарядини олиш учун берилган ишончнома асосида моддий бойликларни қабул қилувчи ташкилотнинг вакилига берилади. Ҳисоб-фактуранинг иккинчи нусхаси эса Қўмитанинг тегишли наряди билан бирга бухгалтерияда сақланади.

60. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини Қўмита наряди асосида бериб юбориш (юклаш) учун Қўмита тизимидаги ташкилотлар ва масъул сақлов-

чи ташкилотлар бухгалтерияси томонидан мазкур Йўриқноманинг 19-ило-
васига мувофиқ Ички наряд (Z-18-сон шакл) тузилади ҳамда биринчи гуруҳ
моддий бойликларини сақлаш участкасига ижро учун берилади.

Моддий бойликларни бериб юбориш учун моддий жавобгар шахс томо-
нидан мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига мувофиқ уч нусхада Юк хати
(Z-12-сон шакл) тўлдирилади. Юк хатида уни тўлдириш учун асос бўлган
нарядларнинг санаси ва рақами кўрсатилади.

Юк хати ташкилотнинг моддий-жавобгар шахси, сақлаш участкаси бош-
лиғи, бош ҳисобчиси ва ташкилот раҳбари томонидан имзоланади, моддий
бойликлар уларни қабул қилувчи ташкилот томонидан олиб чиқиб кетил-
ганда эса юк олувчининг вакили томонидан ҳам имзоланади.

Моддий бойликлар бериб юборилгандан ва Ички наряднинг (Z-18-сон
шакл) орқа томонига қайдлар киритилгандан сўнг юк хатининг биринчи
нусхаси сақлаш участкаси бошлиғи томонидан шу куннинг ўзида ташкилот
бухгалтериясига топширилади.

Моддий бойликлар қабул қилувчи ташкилот томонидан олиб чиқилган-
да юк хатининг икки нусхаси қабул қилувчи ташкилот вакилига топшири-
лади, уларнинг бир нусхаси моддий бойликни ташкилот ҳудудидан транс-
порт воситасида олиб чиқиш учун асос (моддий рухсатнома) бўлиб хизмат
қилади ва юк жўнатувчи ташкилотнинг кўриқлаш хизмати ходимида қолди-
рилади.

Юк хатининг орқа томонига ташкилотнинг кўриқлаш хизмати ходими
томонидан транспорт воситаси чиқарилган вақт, сана, ташкилот кўриқлаш
хизмати ходимининг фамилияси, исми ёзилади ва имзоси қўйилади.

Иш куни тугаши билан юк хатлари кўриқлаш хизмати томонидан юк
жўнатувчи ташкилот бухгалтериясига рўйхат бўйича тақдим этилади.

61. Моддий бойликлар темир йўл транспорти (вагонлар, цистерналар)
билан олиб чиқиб кетилганда юк хатининг икки нусхаси (юк хатининг орқа
томонидаги имзолар билан) ҳарбий кўриқлаш оператив гуруҳ бошлиғига
(қоровулга) темир йўл вагонларини ташкилот ҳудудидан олиб чиқиш учун
берилади.

62. Бериб юборилаётган (юкланаётган) моддий бойликларни тарозида
тортишнинг натижалари ва ўринлар сони мазкур Йўриқноманинг 4-илова-
сига мувофиқ Ўлчаш қайдномасида (Z-3-сон шакл) қайд қилинади. Ўлчаш
қайдномаси юк хатини (Z-12-сон шакл) тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади
ва унга илова қилинади.

63. Моддий бойликларни автотранспорт воситасида олиб чиқишда на-
зорат-ўтказиш пунктида юк миқдорини аниқлаш қийин ҳолатларда уларни
санаш ва тортиб кўриш қабул қилувчи ташкилотнинг вакили, моддий-жа-
вобгар шахслари ва кўриқлаш хизмати ходимлари иштирокида амалга оши-
рилади. Моддий бойликларни бериб юборишда ёпиқ автотранспорт восита-
сидан фойдаланилганда юк ортилгандан сўнг автотранспорт кўриқлаш хиз-
мати иштирокида пломбланади ва пломба бузилмаган тақдирда юк ўтказиб
юборилади.

64. Юкни автотарозида тортиш натижалари мазкур Йўриқноманинг 20-иловасига мувофиқ Автотранспорт воситаларини автотарозилардан ўтказиш журналига (Z-19-сон шакл) қайд этилади.

65. Мерниклардан ўтказиш орқали цистернага қуйишда аниқланган спиртнинг ҳажмий миқдори юк жўнатувчи ташкилот томонидан мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига мувофиқ Спиртни юклаб жўнатиш ва қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома (Z-6-сон шакл) билан расмийлаштирилиб, унинг икки нусхаси темир йўл юк хатига илова қилинади (далолатноманинг бир нусхаси қабул қилувчи томонидан олд томонининг ўнг қисми ва орқа томони тўлдирилгандан сўнг ташкилотга қайтарилади). Темир йўл юк хатида спиртнинг қуввати ва цистернанинг кам қуйилган баландлиги кўрсатилади.

66. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини бевосита олувчи ташкилот вакилига бериб юбориш (юклаш) Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1245, 2003 йил 27 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон) мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома асосида амалга оширилади.

67. Юк хатлари асосида сақлаш участкаси бошлиғи ички наряднинг (Z-18-сон шакл) орқа томонига тегишли қайдларни киритади.

Сақлаш участкасининг моддий-жавобгар шахси томонидан штабелдан моддий бойликлар тўғри бериб юборилганлиги текширилади ва жойлашиш чизмасига зарур ўзгартиришлар киритилади, штабел ёрлиғига тегишли белги қўйилади.

Ички наряд муддати тугаши билан сақлаш участкаси бошлиғи томонидан унинг орқа томонига амалда чиқарилган моддий бойликларнинг миқдори тўғрисида қайд киритилади ва ташкилот бухгалтериясига берилади.

68. Наряд белгиланган муддатда тўлиқ ёки қисман ижро этилгандан сўнг, шунингдек ҳисобот ойи тугаши билан (наряд бажарилиши даражасидан қатъи назар) сақлаш участкаси бошлиғи бериб юборилган моддий бойликлар миқдорини ҳисоблаб чиқиши, наряднинг олд томонидаги «Ҳақиқатда бериб юборилди» графасига тегишли қайд киритиши, уларни ўз имзоси билан тасдиқлаб, ташкилот бухгалтериясига топшириши лозим.

69. Ташкилот томонидан бериб юборилган моддий бойликлар бўйича юкланган барча вагон ва контейнерлар мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ Келиб тушган ва юкланган вагон ва контейнерларни ҳисобга олиш журналида (Z-2-сон шакл) алоҳида ҳисобга олиниши керак.

5-§. Омборхоналарни тозалаш натижаларини расмийлаштириш

70. Алоҳида омборларда (резервуарларда, сақлаш хоналарида) сақланган биринчи гуруҳ моддий бойликлари тўлиқ бериб юборилгандан сўнг, омборхоналарни тозалаш ва амалдаги камомадларни, жумладан сақлаш жараёнида юз берган меъёрий йўқотишларни аниқлаш мақсадида ташкилотда

унинг раҳбари, бош ҳисобчиси, лаборатория мудир, ветеринар врач, сақлаш участкаси бошлиғидан иборат таркибда комиссия тузилади. Омборхона ва музлаткичларни тозалашга Қўмита вакиллари жалб қилинади.

Моддий бойликларни бериб юбориш ишлари тугагандан сўнг Комиссия томонидан мазкур Йўриқноманинг 21, 22, 23-иловаларига мувофиқ тозалаш далолатномалари (Z-20, Z-21, Z-22-сон шакллар) тузилади.

71. Тозалаш далолатномасини тузишдан аввал комиссия омборхонани (бўлинмалар, сақлаш хоналари, идишлар) кўриб чиқиш орқали моддий бойликлар ҳақиқатдан ҳам тўлиқ бериб юборилганлигига ишонч ҳосил қилиши зарур. Сақлаш хоналарида (омборхонада) моддий бойликларнинг қолдиғи мавжуд бўлган ҳолатларда улар саналиши ёки оғирлиги ўлчаниши, спирт мерникдан ўтказилиши, ўсимлик ёғи ўлчаш цистерналарига қуйилиши лозим. Барча идишлар (бўш идишлар ҳам) ва маҳсулот қувурлари текширилиши шарт.

72. Комиссия бухгалтерия ҳисоби китобларида моддий бойликларнинг ҳаракати бўйича ёзувларнинг тўғрилигини текшириши, бухгалтерия ва омборхона ҳисоби маълумотларини таққослаши, бериб юбориш наряди ва юк хатлари, штабел ёрликлари тўғри расмийлаштирилганлигини текшириши лозим.

73. Z-20-сон ва Z-22-сон шаклдаги далолатномалар тозалаш яқунланган куни уч нусхада тузилади ва уч кун муддат ичида ташкилот раҳбари томонидан кўриб чиқилади. Далолатномаларнинг икки нусхаси ташкилот раҳбарининг ҳулосаси билан биргаликда Қўмитага тегишли қарор қабул қилиниши учун юборилади.

Қўмита 10 кун муддат ичида тозалаш натижаларини кўриб чиқади ва кўриб чиқиш натижаларини тозалаш далолатномасининг бир нусхаси билан ташкилотга қайтаради.

74. Сақлашдаги табиий йўқотишларнинг белгиланган нормалари чегаравий (назорат) ҳисобланади. Омборхонани тозалаш натижасида моддий бойликларнинг ўринлари бўйича камомадлар аниқланмаган ҳолларда, моддий бойликларнинг табиий йўқотишлар нормалари чегарасидаги камомад табиий камайиш деб қаралади. Ўринлар сони бўйича камомад аниқланган тақдирда ташкилот раҳбари ушбу камомад сабабини аниқлаш учун қўшимча текширув ўтказиши ва натижасини Қўмитага маълум қилади.

75. Оғирлик ёки ўринлар сони бўйича асоссиз камомад (йўқотиш) чиқиши ёки моддий бойликларнинг ортиқчалиги сабаблари ҳақида сақлаш участкаси бошлиғи томонидан тозалаш далолатномасининг орқа томонига тушунтириш ёзилади, комиссия эса тегишли ҳулоса чиқаради. Аниқланган ортиқча маҳсулот бўйича қабул қилиш далолатномаси тузилиб, бухгалтерияга тақдим этилади ва Қўмитага хабар берилади.

76. Спирт ва ўсимлик ёғи бўйича тозалаш далолатномаси ҳар бир резервуар учун алоҳида тузилади, сақлаш вақтидаги табиий йўқотишлар фақат камомад аниқланган ҳолатдагина ҳисобга олинади.

77. Спирт ва ўсимлик ёғининг сақлаш давомида юз берган камомад

табiiй йўқотишлар нормалари чегарасида бўлса, ташкилот раҳбари топшириғи билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади. Сақлаш давомида юз берган табiiй йўқотишлар нормалари чегарасидаги камомад Қўмита тизимидаги ташкилотлар бўйича Қўмита томонидан, бошқа ҳолларда эса масъул сақловчи ташкилотлар томонидан қопланади (мол гўшти бундан мустасно).

78. Юзага келган камомад ва зарар бўйича ташкилот раҳбари материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборади ва бир вақтнинг ўзида камомад ва зарар аниқланган кундан бошлаб беш кун ичида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарарни ундириб олиш чораларини кўриши лозим.

79. Масъул сақлашни амалга оширувчи ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан имзоланган ҳисобдан чиқариш далолатномалари Қўмитага юборилади.

6-§. Музлатгични тозалаш

80. Музлатгични тозалаш ишлари амалга оширилганда мазкур Йўриқноманинг 22-иловасига мувофиқ Музлатгични тозалаш натижалари тўғрисида далолатнома (Z-21-сон шакл) расмийлаштирилади.

81. Музлатгични тозалашда музлатилган ва музлатилмаган гўшт маҳсулотлари бўйича экранли ва экрансиз сақлаш хоналари алоҳида-алоҳида тозалаб чиқилади.

82. Гўштни сақлашдаги табiiй йўқотиш нормалари унинг амалда сақланган тонна-кунларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

83. Гўштни табiiй йўқотиш миқдорини ҳисоблашда мазкур Йўриқноманинг 24 ва 25-иловаларига мувофиқ, ҳар бир сақлаш хонаси бўйича Гўштни бухгалтерия ҳисобига олиш (миқдорий) ва табiiй йўқотишни ҳисоблаш китоби (Z-23-сон шакл) ҳамда Гўштни бухгалтерия ҳисобига олиш (миқдорий-суммавий) китоби (Z-23/1-сон шакл) юритилади.

Музлатгичга гўшт маҳсулотлари қисман эриган ҳолда келтирилса, табiiй йўқотиш нормалари ҳисоби билан бирга гўштни қайта музлатишдаги табiiй йўқотиш меъёрлари ҳисоби ҳам тузилади ва музлатгични тозалаш далолатномасига қўшиб қўйилади.

84. Мушаклар қалинлигидаги ҳарорати минус 7,9⁰ С дан минус 1,6⁰ С гача бўлган гўшт қабул қилинганда, тижорат далолатномаси тузилади. Далолатномада гўштнинг оғирлиги ва қабул қилишдаги ҳарорати кўрсатилади. Бундай ҳолларда совутилган гўшт музлатишга ўтказилганда белгиланган табiiй йўқотиш нормалари қўлланилади ва табiiй йўқотиш миқдори аниқланади. Аниқланган табiiй йўқотиш миқдори етказиб берувчининг ҳисобига ўтказилади.

Ҳарорати минус 1,5⁰ С дан юқори бўлган, тўлиқ эриган ва иккинчи марта музлатилган гўшт биринчи гуруҳга қабул қилинмайди.

Ҳарорати минус 1,5⁰ С дан юқори, тўлиқ эриган ва иккинчи марта муз-

латилган гўшт темир йўл транспортда етказиб берилганда, вақтинча сақлаш учун ажратилган алоҳида сақлаш хонасига қабул қилинади ва зудлик билан етказиб берувчига ушбу маҳсулотни қайтариш чоралари кўрилади.

85. Тозалаш далолатномалари тозалаш яқунланган куни 2 нусхада, маҳсулот камомади табиий йўқотиш нормаларидан ортиқ бўлганда эса 3 нусхада тузилади. Далолатномалар белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг, уч кун муддат ичида ташкилот раҳбари томонидан кўриб чиқилади. Ташкилот раҳбари тозалаш ишларининг тўғрилигини назорат қилиш мақсадида далолатноманинг икки нусхасини ва ўз хулоса ҳамда таклифларини Қўмитага жўнатади.

Ташкилот томонидан табиий йўқотиш нормаларидан ортиқ бўлган камомадни қоплаш ва келгусида бундай йўқотишларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилади.

86. Қўмитанинг биринчи гуруҳ моддий бойликлари билан ишловчи бўлинмаси ва бухгалтерияси ташкилотларда биринчи гуруҳ моддий бойликлари билан бўладиган барча жараёнларни, жумладан ҳисобдан чиқаришда табиий йўқотиш нормалари бўйича ҳисоб-китобларни ўтказиш ва расмийлаштириш устидан тизимли равишда назоратни амалга оширади.

III боб. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини ҳисобга олиш ва инвентаризация қилиш

87. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини ҳисобга олиш омборхона хўжалигини юритишнинг асоси ҳисобланади.

88. Сақлаш участкаси бошлиғи мазкур Йўриқноманинг 26-иловасига мувофиқ Биринчи гуруҳ моддий бойликларининг омборхона ҳисоби-китоби (Z-24-сон шакл), 27-иловасига мувофиқ Маҳсулотлар мавжудлиги, ҳаракати ва ўлчовлари китоби (Z-25-сон шакл), 28-иловасига мувофиқ Ўлчаш натижаларига кўра резервуарлардаги мавжуд спиртнинг ҳисоби (Z-26-сон шакл) асосида моддий бойликларнинг омборхона ҳисобини юритиши лозим.

89. Биринчи гуруҳ моддий бойликларининг омборхона ҳисоб-китоби (Z-24-сон шакл) рақамланган, тикилган, ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзо қўйилган, муҳрланган ва рўйхатга олинган бўлиши керак.

90. Биринчи гуруҳ моддий бойликларининг омборхона ҳисоб-китобидан бир неча йил мобайнида фойдаланиш (тўлдирилишига кўра) мумкин. Ушбу китоб ҳар бир омборхона бўйича алоҳида юритилади, омборхонада ажратилган бўлимлар бўлса, ҳар бир бўлим учун алоҳида юритилади. Резервуарларда сақланадиган моддий бойликлар ҳисоби ҳар бир резервуар бўйича юритилади.

91. Биринчи гуруҳ моддий бойликларининг омборхона ҳисоб-китобида моддий бойликларнинг ҳаракатини қайд қилишда ва расмийлаштиришда бирламчи ҳужжатлар (қабул қилиш далолатномалари, бажарилган нарядлар, харажат юк хатлари, солиштирув инвентаризация қайдномалари ва х. к.)

асос бўлиб хизмат қилади, бунда жараёнлар ҳар бир ҳужжатда алоҳида расмийлаштирилади.

Биринчи гуруҳ моддий бойликларининг омборхона ҳисоби-китобига моддий жавобгар шахслар томонидан моддий бойликлар бериб юборилган ёки қабул қилинган куни тегишли қайдлар ёзиб қўйилади. Қайдлар аниқ ва хатосиз ёзилиши лозим. Қайдлар бўяб ёзилиши мумкин эмас. Йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш нотўғри ёзилган матн ёки сонни ингичка чизик билан ўчириб, устидан тўғриси ёзиш орқали амалга оширилади, бунда ўчирилган ва тўғриланган матнлар кўринарли бўлиши керак. «Тўғрилаб қўйилди» ёзуви сақлаш участкаси бошлиғи (ўринбосари) имзоси остида амалга оширилади.

92. Биринчи гуруҳ моддий бойликларининг омборхона ҳисоб-китобида қолдиқлар моддий бойликлар ҳаракати бўйича ҳар бир жараёндан кейин чиқарилади. Қолдиқлар ҳар ой, чорак, йил охирида ҳам чиқарилади.

93. Биринчи гуруҳга сақлаш учун келиб тушган, бироқ ярқисиб деб топилган (вақтинча сақлаш учун қабул қилинган) моддий бойликлар Биринчи гуруҳ моддий бойликларининг омборхона ҳисоб-китобининг алоҳида қисмида ҳисобга олинади.

Мазкур моддий бойликлар номланиши, нави, ўлчами, қадоғи ва уларнинг етказиб берувчилари кесимида Биринчи гуруҳ моддий бойликларининг омборхона ҳисоб-китобининг алоҳида варақларида ҳисобга олинади, шунингдек уларга штабел ёрлиқлари ҳам очилади.

Ҳар ой якуни бўйича бухгалтерия баланси тузилгунга қадар сақлаш участкаси ходимлари томонидан штабел ёрлиқларидаги маълумотларнинг тўғрилиги текширилгандан сўнг, моддий бойликлар ҳаракати ва уларнинг ҳисобот даври охиридаги қолдиқлари тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоби маълумотларини омборхона ҳисоби маълумотлари билан (ҳаракат амалга оширилган омборхона, музлатгич ва резервуарлар бўйича) солиштириш ишлари амалга оширилади.

Солиштириш ишлари бухгалтерия ҳисобини юритувчи ходимлар ва омборхона ҳисобини юритувчи моддий жавобгар шахслар иштирокида амалга оширилади.

Солиштириш натижалари далолатнома (моддий бойликлар қолдиқлари борлиги кўрсатилмайди) билан расмийлаштирилиб, ҳисоб маълумотларини текширган шахслар ва ташкилот бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Омборхона ҳисоб-китобидаги қолдиқлар бухгалтерия ходими томонидан тасдиқланади.

Солиштириш далолатномасида ҳисоб маълумотларидаги тафовутлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни тўғрилаш тартиби кўрсатилади. Тафовутлар ойлик баланс тузилгунга қадар тўлиқ бартараф этилиши лозим.

94. Резервуарлардаги ўсимлик ёғи, спирт ва нефть маҳсулотларининг сақланиши ва амалда мавжудлиги устидан назорат қилиш, шунингдек уларнинг нормадан ортиқ йўқотишлари ва камомадининг олдини олиш мақсадида моддий жавобгар шахслар томонидан назорат ўлчовлари ўтказилади (резервуарлардаги ўсимлик ёғи қуюқлашиб қолган ҳолатдан ташқари) ҳамда ўлчов натижалари Маҳсулотлар мавжудлиги, ҳаракати ва ўлчовлари китобига

(Z-25-сон шакл) киритилади. Ўлчов натижалари ва ҳисоб маълумотлари ўрта-сида фарқлар аниқланганда зудлик билан бу тафовутларнинг сабаблари аниқланади ва уларни бартараф қилиш учун тегишли чоралар кўрилади.

95. Биринчи гуруҳ моддий бойликларининг миқдорий сақланишини инвентаризация қилиш Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»га (19-сон БХМС) (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) мувофиқ санаш, тарозида тортиш ва ўлчаш орқали амалга оширилади.

96. Тортиш имконияти мавжуд бўлмаган моддий бойликларнинг миқдорини ўлчашда назарий ҳисоб-китобдан фойдаланишга рухсат берилади.

Биринчи гуруҳ моддий бойликларини инвентаризациядан ўтказиш натижасида аниқланган ортиқчалик ёки камомад қайта навларга ажратилмайди.

97. Биринчи гуруҳ моддий бойликларини инвентаризация қилиш бўйича расмийлаштирилган далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар уч кун ичида Қўмигага юборилади.

IV боб. Яқуний қоида

98. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик темир йўл компанияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазирли

А. АЛИМОВ

2013 йил 21 июнь

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги Бош директори*

А. КУРБАНОВ

2013 йил 21 июнь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
давлат-акциядорлик
компанияси бошқаруви раиси*

А. РАМАТОВ

2013 йил 21 июнь

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғи*

А. АБДУВАЛИЕВ

2013 йил 21 июнь

Биринчи гуруҳ моддий бойликларини масъул сақловчи ташкилотларда ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳисобни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

(Z-1-сон шакл)

**Цистернада ташишда спирт сақланишининг
ҲИСОБИ _____-сон**

20__ й. «__» _____ ги _____-сон юк хати бўйича

20__ й. «__» _____ ги _____-сон далолатнома

(етказиб берувчи номи)

Маълумотлари бўйича

Юк жўнатувчи

Юк қабул қилувчи

Цистерна тури _____

Қопқоқ баландлиги _____

Қуйилмаган қисми _____

Спирт қуввати _____

Спирт ҳарорати _____

Жўнатувчининг маълумотига кўра _____ см. қуйилмаган цистернадаги спиртнинг ҳажми _____ декалитрни ташкил қилади.

Қабул қилувчининг маълумотига кўра _____ см. қуйилмаган цистернадаги спиртнинг ҳажми _____ декалитрни ташкил қилади.
Жўнатувчи ва қабул қилувчи маълумотлари орасидаги фарқ _____ декалитрни ташкил қилади.

Ҳаво ҳарорати _____ °С дан _____ °С гача ўзгаришидан ҳажм кўпайди _____ декалитр
камайди _____

Йўлдаги табиий йўқотишлар _____ декалитр.

Камомад _____ декалитр.

Ошиқ _____

Ёки сувсиз спиртда _____ дал
_____ сўм _____ тийин қийматда

(сумма, ёзув билан)

Сақлаш участкаси бошлиғи _____
(Ф.И.О., имзо)

Лаборатория мудирини _____
(Ф.И.О., имзо)

Бош ҳисобчи (бош ҳисобчи ўринбосари) _____
(Ф.И.О., имзо)

Биринчи гуруҳ моддий бойликларини масъул сақловчи ташкилотларда хужжатларни расмийлаштириш ва ҳисобни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

Оғирлик фарқидаги тафовутлар ҳисоб-китоби НАМУНАЛАРИ

Мисол: Етказиб берувчининг хужжатларига кўра келтирилган ўсимлик ёғи цистернасининг брутто оғирлиги 80 тонна, идиш оғирлиги 20 тонна, нетто оғирлиги эса 60 тоннани ташкил қилади.

Биринчи вариант: Цистернани вагон тарозисида тортишда унинг брутто оғирлиги 79,988 тоннани, яъни юк хужжатида кўрсатилган оғирлигидан фарқ қилиб камомад 12 кг ни ташкил қилди. Нетто оғирлигига нисбатан маҳсулотнинг йўлдаги табиий йўқотиш нормаси (0,02 фоиз) қуйидагидан иборат:

$$(60 \times 0,02) / 100 = 0,012 \text{ тонна ёки } 12 \text{ кг}$$

Оғирликдаги амалда аниқланган тафовут етказиб берувчининг табиий йўқотиш нормаси чегарасида бўлганлиги сабабли камомад сифатида қаралмайди ва тортиб олинган 59,988 тонна маҳсулот биринчи гуруҳга кирим қилинади. Аниқланган 12 кг лик тафовут етказиб берувчининг ҳисобидан рўйхатдан чиқарилади.

Иккинчи вариант: Цистернани вагон тарозиларида ўлчашда унинг брутто оғирлиги 79,950 тоннани, яъни тортишда аниқланган оғирлик етказиб берувчи хужжатларида кўрсатилган маълумотдан 50 кг кам миқдорни (камомад) ташкил қилди.

Маҳсулотни ташишдаги аниқланган табиий йўқотиш нормаси — 12 кг, брутто оғирлигига нисбатан тарози кўрсаткичларидаги тафовутлар меъёри ($\pm 0,1$ фоиз) эса қуйидагини ташкил қилади:

$$(80 \times 0,1) / 100 = 0,08 \text{ тонна ёки } 80 \text{ кг}$$

